



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 август куни мамлакатимизга расмий ташири билан келган Хиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сунма Свараж хонимни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий куллар экан, Ўзбекистон ва Хиндистон ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан таъкидлади.

Жорий йил июнь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида Циндао шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар ва унинг якунлари бўйича эришилган келишувлар амалий ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб олиш имконини берди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қўламли, аввало, савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлаш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Фармацевтика ва тиббиёт, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истикболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хиндистонга бўлажак давлат ташири Ўзбекистон ва Хиндистон ўртасидаги кўп асрлик азалий дўстлик ришталарига асосланган муносабатларда янги даврни бошлаш, икки томонлама ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро сиёсатнинг томонларни кизиқтирувчи долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ташқи ишлар вазири Сунма Свараж давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, Хиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинд ва Бош вазир Нарендра Модининг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Хиндистон ҳукумати Ўзбекистонда мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохот ва ўзгаришларни тўлиқ қўллаб-қувватлаши таъкидланди.

Хиндистон мамлакатимизнинг минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш борасидаги ташаббусларини юксак қадрлаши ва қўллаб-қувватлаши қайд этилди.

Сунма Свараж Хиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси билан кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш борасидаги ҳаракатлари қатъий эканини таъкидлади.

ЎЗА


«ҲАММАСИ АДОЛАТЛИ БЎЛАЯПТИ»

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ижодий имтиҳонлар ҳалол ўтмоқда, ҳақиқий истеъодлар танлаб олинмоқда



4

МАТБУОТ АНЖУМАНИ



Сайёр ШОТЎЛАНОВ оlingan суратлар.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ҚЎМИТАЛАРИ

журналистларга ҳисобот берди

2

Сўнги бир ярим йилда Тошкентда амалга оширилган улкан ўзгаришларни кўриб ҳайратда қолдик. Эндиликда Тошкент кўчаларида Тожикистон ва Қирғизистон давлат рақамита эга машиналарни учратиш мумкин. Илгари бу ҳатто ақлга сиғмасди. Ёзилган йўллар яна очилиб, одамларнинг узоғини яқин қилмоқда. Бу жадал ривожланаётган Ўзбекистон ҳаётидан айрим мисоллар холос.

ЎЗБЕКИСТОН: ЯНГИЛАНИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИДА

Шубҳасиз, бу биз учун мутлақо қўлланма ҳодиса деб айтолмаймиз. Чунки биз Шавкат Мирзиёев галаба қозongan 2016 йилги Президент сайловларида кузатувчи сифатида иштирок этганимиз. Ушунда ҳам ўзгаришлар нафаси уфуриб турган эди.

Биз Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида қатнашиш бахтига муяссар бўлдик. Шавкат Мирзиёев ўз нутқида мамлакатни ислох қилишнинг стратегик йўналишларини белгилаб берди. Ушунда унинг валютани эркин конвертация қилиши жорий этиш, суд-ҳуқуқ соҳасида ислохотларни амалга ошириш, барча мансabdор шахсларнинг ҳисобдорлигини кучайтириш, яқин қўшнилар билан янги ташқи сиёсатни шакллантириш каби ташаббуслари бизни тўлқинлантириб юборганини яхши эслаймиз.

Бироқ бунинг учун эзгу мақсадларнинг ўзи кифоя эмас. Дунё таърибидан маълумки, модернизацияни мустақам қонунчилик асоси, жамоат

ва давлат аппаратининг ислохотларни қўллаб-қувватлаш йўлидаги кучларини бирлаштирмасдан туриб буларни амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Фарбда кўпчилик ҳулоса чиқаришга шошилмай, кейинчалик нима бўлишини кузатишни афзал кўрди.

Кўп йиллардан буён Ўзбекистонни тадқиқ қилиш билан шуғулланаётган биз, америкалик экспертлар учун Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган ўзгаришларнинг боришини «қайд этиш» муҳим эди. Тан олиш керак, бу осон бўлмади, чунки Ўзбекистондаги ислохотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олди. Айрим ташаббуслар қонунчилик ҳужжатлари, айримлари Президент фармонлари, бошқалари амалий ўзгаришлар шаклида ҳаётга татбиқ этилган муайян қийинчилик туғдирди. Лекин Тошкентдаги дўстларимиз туфайли янги ҳукумати томонидан чиқарилган барча ҳужжатлар тўғрисида маълумот олдик.

► Давоми 4-бетда.



ПОМПЕО ЭЪТИРОФИ ОРТИДАГИ ҲАҚИҚАТ

АҚШ Давлат котиби Майк Помпео фикрига кўра, Ўзбекистон эркин жамиятга айланиш сари қадам ташламоқда

3

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ташкил этилган кундан буён юк ташиш ҳажми 2,1 марта, йўловчи ташиш ҳажми 2 баробар кўпайган, темир йўллар орқали 1,5 миллиард тонна юк ташилиб, 370 миллион нафар йўловчи ўз манзилига етказилган.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 6 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*)

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

1 АҚШ
доллари
7783,05

1 Англия фунт
стерлинги
10121,86

1 Жанубий
Корея вони
6,93

1 Канада
доллари
5992,49

1 Швейцария
франки
7829,24

1 Миср фунти
436,27

1 ЕВРО
9002,65

1 Россия
рубли
122,96

1 Япония
иенаси
69,96

1 Хитой
юани
1139,39

1 БАА дирҳами
2119,11

1 Австралия
доллари
5758,68

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ҚЎМИТАЛАРИ

журналистларга ҳисобот берди

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида амалга оширилган ишлар хусусида батафсил ахборот берилди.

Қўмита ўтган вақт давомида беш марта мажлис ўтказган. Уларда қўмита ваколатларига тааллуқли 18 масала, бюджет, молия соҳаси ва иқтисодий ислохотларга доир 3 қонун қўриб чиқилган. «Давлат харидлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидан.

Қўмита аъзолари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг 8725 мурожаати қўриб чиқилди. Уларда кўтарилган масалаларни ҳал қилиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига сенаторларнинг 40 мурожаати юборилди. Йиллар давомида йиғилиб қолган қўллаб-муаммолар ҳал этилди.

Умуман олганда, Сенатда ва жойларда 3500 қабул амалга оширилди. Қўмитада доимий асосда ишловчи сенаторлар томонидан 79 нафар фуқаро қабул қилинди.

Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳам 2018 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар хусусида атрофлича маълумот берди.

Таъкидландики, март ва июнь ойларида ўтказилган Сенатнинг ялпи мажлисида тайёргарлик жараёнида Қўмита томонидан қатор масалалар ўрганилди ва қўриб чиқиш учун тақдим этилди. Хусусан, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Адлия вазирлигининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахбороти эшитилди.

Қўмита томонидан «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинган муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун март ойида ўтказилган ялпи мажлис муҳокамага киритилди.

Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисини ўтказиш доирасида Қўмита томонидан Республика Бош прокуратури ҳамда прокуратура органларининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи дастлабки тарзда эшитилди. «Медиясиз тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар қўриб чиқиш учун тайёрланди.

Таъкидлаш керакки, Қўмита томонидан халқ билан мулоқотни қўллаб-қувватлашга, сайловчилар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилди. Сайловчилар билан 384 учрашув ўтказилиб, 638 нафар фуқаро қабул қилинди ва 5342 ёзма мурожаат қўриб чиқилди. Уларнинг аксарияти назоратга олинди.

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси таъкидлаш керакки, Қўмита томонидан «Давлат муқофотлари тўғрисида»ги, «Жамоат ҳайратларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида»ги қонунлар биринчи ўқишда қўриб чиқилди. «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг Сирдарё вилоятидаги ижроси ўрганилди.

Ўрганиш якунари бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Бу ўрта мактабларда таълим жараёнини ташкил этиш сифатини яхшилаш, ахборот-коммуникация технологияларидан тизимли фойдаланиш, ижтимоий-маънавий муҳитни, моддий-техник таъминотни мустаҳкамлаш, кадрлар қўним-сизилигининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

«Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуннинг давлат назорат органлари томонидан ижро этилишини ўрганиш давомида қатор муаммолар аниқланди. 20 йил аввал қабул қилинган мажбурий ҳужжат замон талабларига жавоб бермайди, деган хулоса берилди. Мазкур масала юзасидан ҳуқуқат ҳузурида Озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.



Қўмита тиббиёт ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, тиббиёт ходимлари зиммасига меъёрдан ортқ вазифалар юкланиши, тиббиёт муассасаларида иш ўринлари қисқартирилиши, ходимларни ўз фаолиятдан ташқари мавсумий ишларга жалб этилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. «Тиббиёт ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида тақлиф тайёрланди ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги, шунингдек, БМТнинг қийноқ ҳамда муомала ва жазоланишнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадар-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенцияси қоидаларининг

ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳ давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида учрашув, давра суҳбати ва ташвиқот тадбирлари ўтказди.

Фуқаролардан тушган 4675 мурожаатнинг 20 фоизи бевосита Қўмита томонидан қўриб чиқилди. 321 таси назоратга олинди, 46 фоизи ижобий ҳал этилди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан назорат тадбирлари доирасида Ички ишлар вазирлигининг ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги, шунингдек, БМТнинг қийноқ ҳамда муомала ва жазоланишнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадар-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенцияси қоидаларининг

амалга оширилиши бўйича вазир ўринбосарининг ахбороти эшитилди.

Қўмитанинг иш режасига мувофиқ «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг сафарбарлик чакируви резервидаги ҳарбий хизматга оид қисми ижроси ҳамда ёшларнинг қақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги ҳолати ўрганиб чиқилди. Унга қўра, сафарбарлик чакируви резервидаги хизматга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳамда ёшларнинг қақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги ҳолати юзасидан Бош вазирга парламент сўрови юборилди.

Қонунлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига кенг тушунириш, уларни давлат дастурлари ижро этилиши бўйича олиб борилаётган тадбирлардан хабардор қилиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали сенаторлар 860 дан ортқ чиқиш қилди. 7224 нафар фуқаро қабул қилинди. Сайловчиларни ташвишга солаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида Қўмита аъзолари 238 учрашув ўтказди.

Қўмитага юридик ва жисмоний шахслардан 4030 мурожаат бўлди. Уларда кўтарилган масалалар юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 50 дан ортқ сенатор сўрови юборилди.

Айтиш керакки, қўмиталар раислари йил якунига қадар режалаштирилган чора-тадбирлар ҳақида ҳам маълумот берди.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз саволларига батафсил жавоб олишди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ

— Тинчликни сақлаш учун аввало жиноятчиликнинг олдини олиш зарур. Бунинг учун нима қилиш керак? Президентимизнинг мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олиш ва бу борада давлат идораларининг масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Айтиш керакки, қобил ёки ноқобил фарзандлар ота-она тарбияси маҳсули. Тарбия — тақдирни белгилайди...

ОНА ТАРБИЯСИНИНГ ҚУДРАТИ



Комила КАРОМОВА
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

Электр чирокни кашф қилган буюк Томас Эдисон болалигида мактабдан келиб, онасига ўқитувчиси бериб юборган мактубни тутқази ва «Буни ўқитувчимиз сизга бериб юборди», дейди. Она мактубни ўқир экан, кўзларидан ёш оқади. Бундан ёш Томас хавотирга тушиб, йиғининг сабабини сўрайди. Онаси жавоб беради: «Сенинг кучли қобилиятинг бор экан. Мана эшит: «Ўғлингиз ўта иқтидорли, мактаб унга ва унинг қобилиятига торлик қилади. Шунинг учун ўғлингиз уйда таълим ола қолсин!». Шундай қилиб, Эдисон ўз уйида онасидан таълим-тарбия ола бошлади. Орадан йиллар ўтади. У лампочкани изҳори қилади. Вақти-соати етиб онаси вафот этади. Онасининг вафотидан кейин олим онасининг жавонидан мактуб топиб олади. Анча йил ўтган бўлса-да, мактубни дарров танийди. Бу — ўша, мактабдаги муаллими ёзиб берган хат эди. Эдисон хатни ўқий бошлади. Унда бундай деб ёзилган эди: «Ўғлингиз ўта беақл ва қобилиятсиз бола. Эртадан бошлаб мактабга келмасин!». Эдисон анча вақтгача йиғини тўхта олмайди. Сўнг хотиралар дафтарига қуйидаги сўзларни битиб қўяди: «**Эдисон ҳақиқатан ақлсиз бола эди, бироқ онасининг гўзал тарбияси сабабли истеъдод соҳибига айланди.**»

Бундан кўриниб турибдики, бир оғир гап билан инсон тақдирини ўзгартириб юбориш мумкин. Яъни, бола тарбиясига маъсул бўлган шахс — ўқитувчининг қўпол хатоси туфайли Эдисон хатда таърифлангани каби қобилиятсиз бўлиб қолиши мумкин эди. Онасининг зукколиги, фахму фаросати сабаб бугун уни дунё танийди. Демак, фарзанд тарбиясидаги ҳар қандай шахс зийрак, ақли ва сабр-бардошли бўлмоғи зарур.

Шу сўزلарни ёзялман-у болалигим, ўқувчилигим ёдимга тушди. Ўшанда барча ота-оналар фарзандини 1-синфга Рисолат Бозорова, Муассар Каримова каби ўқитувчилар ўқитаётган синфларга қўйишга интилар эди. Чунки уларнинг ўқувчилари тартибда, ўзлаштиришда ҳаммага ўрнак бўларди. Улар орасидан бирорта безори ёки тарбияси оғир бола чиққан эмас.

Энди ўйлайман... Сабаби нимада эди? Ўқитувчининг меҳрида. У ўқувчиларни боласидек ардоқларди. Уларнинг ота-онаси, оиласи билан қариндошдек бўлган. Онаси касалхонага тушиб қолган болани муаллима уйига олиб кетар, қўйлақчасини ювиб, дазموллаб, мактабга олиб келарди. Ўқитувчи билан тортишган ота-онаси, ростки, кўрмаганмиз...

Мен ҳам Рисолат Бозорова синфиди ўқиганман. Бугунги эришганаимнинг барчаси у кишининг панд-насихати, берган билими, таълим-тарбияси маҳсули, деб биланман. Хато қилсак, жазолашдан кўра тўғри йўлни кўрсатган, ноўрин хатти-ҳаракатимиздан уялтирган, болалигимизданок виждонимизни уйғотган ана шундай устозлар керак жамиятимизга. Чунки инсоннинг қалби гўзал бўлмас экан, жиноят қилганга жазо қўллаш қўрқилмайди. Кўрсатилган ибрат намунаси кўпроқ таъсир қилади. Шунинг учун ҳар биримиз фарзандларимизга ўрнак бўла олишимиз керак.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгашида депутат ва ёшлар учрашуви ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партияимиз фракцияси аъзоси Бахромжон Обиджонов, вилоят партия кенгаши ходимлари ва ёшлар иштирок этди.

ДЕПУТАТ ВА ЁШЛАР



Давра суҳбати давомида йигит-қизлар амалга оширмоқчи бўлган лойиҳалари хусусида гапириб, депутатдан маслаҳатлар сўрашди. Шунингдек, мулоқот жараёнида «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури мазмун-моҳияти, янги қабул қилинган қонунлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Бундай жонли тадбирлар биз ёшлар учун жуда фойдали бўлмоқда,

— дейди халқ депутатлари Риштон туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Шохрух Утқамов. — Узим ҳам депутатлик фаолиятим учун жуда зарур маълумотларга эга бўлдим. Келгусида маҳаллий Кенгашлар депутатларини ёшлар билан янада яқинлаштириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида шундай учрашувлар ўтказишни режалаштирдим.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фарғона вилоят кенгаши қошидаги «Ёш сиёсатчилар» клуби аъзоси Моҳидил Курбонова партия фаолияти, унда ёшларнинг иштироки ҳақида тўхталди.

— Партияимиз фаолиятини тарғиб қилиш, аъзолари сонини ошириш ва фаол ёшларнинг партия сафларида бўлиши масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, — дейди у. — Биз «Ёш сиёсатчилар» клуби аъзолари партиянинг Марказий Кенгаши наشري ҳисобланган «Ўзбекистон овози» газетасини мунтазам ўқиб борамиз. Унда ўз мақолаларимиз билан иштирок этишни истаймиз. Газетада ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва ташаббусларига янада кенг-роқ ўрин берилишини жуда хоҳлар эдик.

Учрашувда сўз олганлар истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш яхши самара беришини таъкидлашди. Шунингдек, учрашувда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, адашганларни тўғри йўлга қайтариш масаласида ҳам фикр алмашилди. Бунда асосан йигит-қизлар бандлиги, вақтини мазмунли ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Учрашув ўзаро савол-жавоб, самимий мулоқот руҳида ўтди.

Абдусит Сиддиқов

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

109 ЁШЛИ МОМОГА БИОМЕТРИК ПАСПОРТ ТОПШИРИЛДИ

Бугунги кунда Денов туманида 31 минг 300 дан ортқ нуруний истиқомат қилади. Отаҳон-у онахонларимизнинг 300 нафарга яқини саксон ёшдан ошган бўлса, 250 дан ортқини тўқсон билан тўқнашган. Юз ёш билан юзлашганлар сонини эса 23 нафарни ташкил қилади.



Туманнинг «Янги қишлоқ» маҳалласида яшовчи Ойнияз Худойбердиева ҳам ана шундай пиру бадавлат инсонлардан ҳисобланади. 109 ёшни қаршилаган момога яқинда биометрик паспорт топширилди. Фарзандлар, набиралар, қариндошлар ва меҳмонлар иштирок этган тадбир

ҳақиқий шодиёнага айланиб кетди.

— Тўрт нафар фарзанд ва 200 га яқин набира ва эвараларим бор, — дейди **Ойнияз момо**. — Шундай кунларга етказганига шукр. Илоҳим юртимиз тинч, бўлсин. Фарзандларимга кўз тегмасин.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПОМПЕО ЭЪТИРОФИ ОРТИДАГИ ҲАҚИҚАТ

АҚШ Давлат котиби Майк Помпео фикрига кўра,
Ўзбекистон эркин жамиятга айланиш сари қадам ташламоқда

Жаноб Помпео эътиқод эркинлиги тараққий этган мамлакатларда ривожланиш бўлишини таъкидлаб, бунга Ўзбекистонни мисол қилиб кўрсатди. «Эътиқод эркинлиги илгаригига қараганда кенгайгани бу мамлакат ва жамият, шунингдек, бутун минтақага ижобий таъсир кўрсатишига ишончимиз комил», деди Помпео яқинда Вашингтон шаҳрида дин эркинлиги масаласига бағишлаб ўтказилган нуфузли халқаро конференцияда.

Ушбу анжуманда Ўзбекистондан ҳам катта делегация катнашди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Адлия вазири Русланбек Давлетов, Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ раҳбари, академик Акмал Саидов ҳамда Афғонистон бўйича махсус вакил Исматила Эргашев Вашингтонда юқори лавозимли расмийлар билан учрашиб, мамлакатнинг бугунги ташқи ва ички сиёсати билан боғлиқ жараёнлар тўғрисида батафсил маълумот беришди.

Вашингтон мулоқоти яхши кўради. Юзма-юз самимий суҳбатлар глобал муаммоларни ҳал этиш учун ҳар доим ҳам қийин эмас, лекин диалог ва муҳокамалар Америка сиёсий фаолиятининг ажралмас қисми, айниқса, гап Ўзбекистондек «янгича йўналишни танлаган давлат» ҳақида кетаётган бўлса, дейди дипломатлар.

Помпеонинг халқаро анжуманда Ўзбекистон ҳақида илиқ фикр билдиргани айнан Тошкент — Вашингтон ўртасидаги бугунги диалог кўлами ва руҳини кўрсатади. Трамп маъмурияти Мирзиёев маъмуриятига ишонч билан қарамокда. Республиканинг раҳбари ва бошқа арбоблари фикрлари ўра-

ниб борилмоқда ва мана шу тасдиқланган маълумотларга асосланиб, Ўзбекистон бугун «тўғри йўлда» эканига ишонч ҳосил бўлмоқда.

АҚШ ўзини глобал майдонда эътиқод эркинлиги тарғиботчиси деб билади. Хусусан, Трамп маъмуриятининг ташқи сиёсатида бу мавзуга уруғ катта.

Оқ уй расмийси Жастин Колберт Вашингтондаги Миллий ахборот марказида ўтган тадбирда сўзлар экан, Ўзбекистон ҳукумати бугунги кунда диний эркинлик сингари нозик масалаларни очик муҳокама қилаётгани таҳсинга сазовор, деди. Шунингдек, у Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш, болалар меҳнатига барҳам бериш, ижтимоий адолатни таъминлаш йўлидаги ислохотларда улкан муваффақиятга эришди, деган юксак баҳони берди.

Май ойида Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев Оқ уйда Президент Дональд Трамп билан музокара олиб борганида, унинг ёнида Диний эркинлик бўйича махсус элчи Сем Браунбек ўтирган эди. Браунбекнинг яқин кунларда Ўзбекистонга сафар қилиши кутилмоқда.

25 июлда Миллий матбуот марказида янграган баёнотлар ва жур-



налистлар билан олиб борилган мунозара эртасига Помпео томонидан қилинган нутққа ўз таъсирини кўрсатди. Хўш, Ўзбекистон расмийлари нима деди?

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов дедик, эътиқод эркинлигини таъминлаш Ўзбекистон учун низоҳатда долзарб вазифадир. Комилов АҚШ сиёсий ва илмий доиралари вакиллари олдида қилган нутқда «инсон ҳуқуқлари топ-таладиган эмас, ҳурмат қилинадиган, узвий эркинликлар эъозланадиган жамият қуришга бел боғланганиз», деди.

Адлия вазири Русланбек Давлетов Америка оммасига бугунги қонунчилиқни тушунтирар экан, «фуқароларнинг эркинлик даражасини халқаро меъёр ва қонунларга жавоб беришини таъминлаймиз», дея таъ-

кидлади. Бугунги ислохотлар жамиятдаги муҳитни либераллаштиради, дея ишонч билдирди у.

Сенатор Содиқ Сафоев сўзларига кўра, репрессия беқарорликка етаклайди. Эркинликни таъминлаш, ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши англаш фуқароларни тарбиялаш ҳар бир давлат келажаги учун ўта муҳим. Ўзбекистон бунини тушунади ва шу йўлдан боради.

«Сиёсий муҳолифат бўлмаган муҳитда ёшлар экстремист гуруҳларга қўшилиб, шу тарзда ўз муҳолиф қарашларини намойён этиши мумкин. Ўзбекистон ҳукумати ундан қўрқмайди!» Бу саволга Содиқ Сафоев қўйидагича жавоб берди: Экстремизмга сиёсий муҳолифат деб қараш нотўғри. Одамлар ўз қарашлари ва тақлифларини тинч йўл билан, демократик тизимлар

орқали билдириши зарур. Ўзбекистон демократия йўлидан кетмоқда, ёш авлод ҳам, катталар ҳам эркин тарзда яшайдиган жамият бўлишини мақсад қилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ раҳбари Акмал Саидов фикрига кўра, республика бу борада халқаро органлар, хусусан, БМТнинг тегишли агентликлари ва бошқа ташкилотлар билан яқиндан ишляпти.

Қонунлар амалиёти сув ва ҳаводек зарур, деди депутат. Уларнинг ижросини таъминламай туриб, дунёвийликни тарғиб қилиш мумкин эмас. Демократик институтлар ишляши ва самара бериши керак. Таълим ва тарбиядан тортиб, жамияти бошқа жабҳаларга, барчасини ислох қилиш ва мустаҳкамлаш лозим. Қонун устуворлигига эришиш йўлида қилинадиган ишларимиз кўп.

Стратегик шериклик ҳуқуқ масаласида ҳамоҳанглик талаб этади, дейди расмийлар. Ўзбекистон узок пайт ўз сиёсатини очик тушунтиришни истамаган эди. Эндиликда унинг расмийлари дунё кезиб, халқаро тилларда, масалан, инглизчада Ўзбекистоннинг бугунги позициясини изоҳлаб бераётгани прогрессга оддий мисол, дейди Фарб дипломатлари.

АҚШда Ўзбекистондаги бугунги ўзгаришларга катта қизиқиш билан қаралмоқда ва бу жараёнга юқори баҳо берилмоқда.

Мен яқинда Ўзбекистонда бўлиб қайтган журналист сифатида айтишим кераки, Помпео эътирофи ортидаги ҳақиқатларни ўз кўзим билан кўрдим.

Ўзбекистонда ҳаётга янгича ёндашувлар бошланган, муҳит ўзгармоқда. Халқ янги гоёлар билан руҳлантирилди. Булар ҳаммаси Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга олиб чиқишдан дарак беради.

Навбахор ИМОМОВА,
«Америка овози»
телерадиоси журналисти,
Вашингтон.

ЎЙЛАНГ, ХУЛОСА ЧИҚАРИНГ!

Биз ҳикоя қилаётган воқеа барчани даҳшатга солди. Ҳамманинг кўз ўнгига аёл ўз жонига қасд қилди. Бундай қадам ташлашга уни нима мажбур қилди?

АЁЛ НЕГА ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ?

Куз келиб, дараклар ўз ялроқларини тўқа бошлаган кунларнинг бири. Бахмал туманидаги Навқа қишлоғида аёл ўз жонига қасд қилди. Бир ой ичида уч нафар фарзандидан айрилган бечора она бу дунёда яшаб қолиш учун куч топполмади.

Амакисига келин бўлган бу аёл 2012 йил биринчи фарзандини дунёга келтирди. Тўтқанок касаллиги билан туғилган боласини бағрига босиб, юмюм йиғлади. Такдирнинг шафқатсиз зарбаси олдида муаллақ қолди. 2014 йил иккинчи боласи ҳам тўтқанок касаллиги билан туғилди. Уларни врач қабулига олиб бориб текширтирганда, ота-онанинг яқин қариндошлиги сабабли болалар ногирон бўлиб туғилганлиги аниқланди.

Икки норасида ногирон боласининг беғубор кўзларига термулган она ҳаётнинг авваси синовлари олдида ночор қолди. Қариндоши билан турмуш қуриб, болалари соғ туғилган оилалар оз эмас. Балки, учинчи фарзандимиз соғлом бўлар, деган умид билан 2016 йилда учинчи фарзанд кўришди. Минг афсуски, учинчи бола ҳам касал туғилди, бор-йўғи уч кун яшад. Тўққиз ой бағрида кўтарган, не-не орзу-умидлар билан дунёга келтирган норасиданинг ерга қўйган онанинг юрак-бағри қон бўлди.

Афсуски, кўп ўтмасдан 2012 йилда туғилган 4 ёшли фарзанди вафот этди. 2014 йил туғилган икки ёшли боласининг яшаб қолишдан умид

қилган бечора онаизор кечаю кундуз унинг бошида парвона бўлди. Аммо ҳаёт шами ўчиб борарди. У учинчи боласини ҳам ерга қўйди.

Осмон узок, ер қаттиқ дейишди. Бутун орзу-хавасларидан, фарзандларидан ажраган онаизор кўзига на ота-онаси, на турмуш ўртоғи, на қариндош-уруғи кўринди. Юраги тилка-пора бўлиб, қанчалик катта гуноҳ эканлигини билса-да, жонига қасд қилди...

Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини тушунасак-да, ҳозиргача бу иллатдан қутулганимиз йўқ. Шунга ўхшаш ўнлаб такдирларнинг, жабрдийдаларнинг ҳаётига гувоҳ бўлмоқдамиз. Шу вақтгача «қизимиз бегона бўлмасин», тарзида қариндошлар ўртасидаги никоҳларга барҳам беришгани йўқ. Лекин такдирлар ва кузатишлар, хулосалар бу ҳолатга қатъиян чек қўйишнинг вақти келганлигини кўрсатмоқда. Бир ҳақиқатни ҳамма билишини истар эдим: ҳаттоки олтинчи авлодга келиб ҳам қариндошликнинг асоратли кўриниши юзага чиқиши тиббиётда аллақачон исботланган.

Бугун яқин қариндошлар ўртасида юз бераётган никоҳлар барчани ташвишга солиши керак. Биз нафақат ота-оналарни, балки катта ҳаёт бўсағасида турган ёшларни ҳам огоҳликка, ҳушёрликка чақиришимиз зарур.

Ёдгорой ХИДИРОВА,
Бахмал туман ФХД
бўлими мудири.

НАВОИЙ ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ДИҚҚАТИГА!

КЎПРИҚДАН ЮРАГИМИЗНИ ҲОВУЧЛАБ ЎТАМИЗ

дейишмоқда Навбахор туманидаги Юқори Бешрабод маҳалласида яшовчилар

Мазкур маҳаллада тўрт мингга яқин аҳоли яшайди, ўнга яқин фермер хўжаликлари бор. Маҳаллани туман маркази билан боғловчи кўприкни таъмирлатиш учун аҳолининг шикоят қилиб бормаган жойи қолмади ҳисоб. Йиллар давомида бу муаммо бўйича мутасаддиларга қилинган мурожаатларга жўяли жавоб олинмади. «Бориб кўрамыз», «дастурга тушира-миз», деган ваъдалар маҳалла аҳлини зериктирди...

Гап шундаки, бундан қирқ йил муқаддам Кармана-Кониҳек канали устига қурилган кўприк ҳозир аянчали аҳолга келиб қолган. Ундан наинки енгил машинада, балки велосипедда ўтишга ҳам одам кўрқади.

— Кўприкни таъмирлаш масаласи ҳар йили 3-4 мартаба кўтариларди, — дейди маҳалла раиси Тўхтамурод Душанов. — Унинг темир таянч қисмлари синиб, ярқочсин холга келиб қолди. Ҳар йили галла ва пахта йиғим-терими мавсумида улкан ҳажмли юк машиналари мана шу

кўприк устидан ўтиб қайтади. Машина ўтаётганида юрагимизни ҳовучлаб тураман, бирор қор-хол бўлмасин деб. Маҳаллада яшовчи фермер, тадбиркор ва ўзига тўқ оилалардан пул йиғиб, 2-3 марта кўлимиздан келгунча кўприкни таъмирладик. Лекин қилган меҳнатларимиз, йиққан пулларимиз зое кетди. Чунки бу кўприк махсус техникалар ёрдамида таъмирланмаса, бошқа иложи йўқ экан. Тўғриси, кўприк кимларингдир умрига зомин бўлишидан қўрқамиз. Чунки каналдан Навбахор ва Кониҳек туманларига сув ўтади. Ундан оқётган сувнинг ҳажмининг ўзингиз тасаввур қилаверинг...

— Яқинда кўприк қулаб кетмасин, деб уни харсанг тошлар билан ёпиб қўйишга мажбур бўлдик, — дейди шу маҳаллада яшовчи Тўлқин Махмудов. — Лекин туман марказига борувчи одамлар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлса-да, тошларни суриб, яна ўтиб қайтишда давом этмоқда. Кўприк ёмонлиги боис, таксилар биз томонларга қатнамай қўйган. 7-8 километр масофадан

юкимизни елкалаб келишга мажбур-миз...

Тез тиббий ёрдам машиналари маҳаллага келиш учун фермер хўжалиқларининг дала майдонларини айланиб ўтади. Мазкур кўприк ёнгинасида вилот ички ишлар бошқармасига қарашли Навбахор туман ёнгин хавфсизлиги бўлими жойлашган. Бирор жойда ёнгин чиққудай бўлса, ўт ўчириш машиналари далани айланиб боргунча, ҳамма нарса ёниб қол бўлади. Шу ўринда бир мулоҳаза. Кўприк таъмирталаб бўлса, ёнгин хавфсизлиги бўлимига қарашли машиналар унда қандай ҳаракатланади? Юзлаб одамлар бозор, шифохона, иш, ўқишга қатнаш учун ҳам ана шу кўприқдан ўтишга мажбур.

Маҳалла кексалари биздан ушбу муаммонини вилот ҳокимлигига, кўприк қуришга масъул бўлган идораларга етказишимизни илтимос қилди. Балки, шундан сўнг бу масалага эътибор қаратилар...

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МИЛЛИАРД-МИЛЛИАРД СЎМ МАБЛАҒЛАР

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилади

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

— Бугунги кунда банки-мизнинг 86 филиали ва 75 минибанки республикамизнинг барча ҳудудларидаги 1,2 миллиондан ортиқ аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларида банк хизматларидан фойдаланиш имкониятини тақдим этиб келмоқда, — дейди «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки бошқарув раиси ўринбосари Азиз Низомов. — Жорий йил бошидан ҳозиргача 955,7 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиши таъминланди. Жумладан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган 237 лойиҳага 65,8 миллиард сўм, шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини

ва ички бозорни тўлдиришга 38,0 миллиард ҳамда ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга 207,4 миллиард сўм миқдордаги кредитлар ажратилишига эришилди.

Банк томонидан хорижий кредит линиялари орқали тадбиркорликка молиявий қўмақлаштириш, шу билан бирга чет эл банклари тажрибасини ўрганиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Кишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро фонди (IFAD)нинг «Ўзбекистонда сутни қайта ишлаш тармоғида қўшилган қиймат тизимини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида 3,3 миллион АҚШ доллар миқдоридидаги маблағларни жалб қилиш бўйича шартнома имзоланган бўлиб, бугунги кунда лойиҳанинг ўзлаштирилган 1,2 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги маблағлари ҳисобидан Қашқадарь ва Жиззах вилоятларида шу

йўналишда тадбиркорларга кредитлар ажратилмоқда.

Янгилик сифатида яна шунини айтиш мумкинки, Банк бошқаруви аъзоларидан иборат делегация жорий йилнинг апрелида Италия давлатининг Фоджиа шаҳрида бўлиб ўтган «Кишлоқ хўжалиги ва зоотехника бўйича Халқаро ярмарка»да қатнашди.

Тадбирда Италиянинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш ва жорий қилиш мақсадида шу йилнинг 2 август кунини Италия қуён етиштирувчилар ассоциацияси ва Пьяченца университетининг генетика бўйича мутахассислари иштирокида Бухоро шаҳрида қуёнчилик соҳасини саноят усулида ривожлантириш бўйича семинар ташкил этилиши режалаштирилганлиги тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Зилзила

қурбонлари 90 кишидан ошди



Индонезияда табиий офатларга қарши кураш бўйича миллий агентлиқнинг хабар беришича, Ломбок оролидаги 6,9 магнитудали зилзила оқибатида 82 киши ҳалок бўлган. Бу ҳақда Sky News сайти хабар қилмоқда.

Бундан ташқари, табиий офат туфайли минглаб инсонлар хавфсиз жойларга қўчирилди.

Индонезия ҳукумати билдиришича, ҳалок бўлганлар ҳақидаги маълумотга ҳали ҳам аниқлик киритилмоқда, уларнинг сони эса ортиши мумкин. Шунингдек, аҳоли яшашга қуни рўй берган зилзиладан кейин дунами хавфи борлиги ҳақида огоҳлантирилган.

Энг кекса

аёл

вафот этди



«Ер юзидаги энг кекса одам» унвони соҳибаси япониялик Тиё Мияко вафот этди. Бу ҳақда Гиннесснинг рекордлар китоби сайтида эълон қилинди.

Мияко 117 ёшда бўлиб, у 1901 йил 2 майда таваллуд топган эди.

Гиннесснинг рекордлар китобида урта номинация бор, сайёранинг энг кекса кишиси, энг кекса аёл ва сайёранинг энг кекса одами.

Мутахассислар япониялик аёлни ўлимидан аввалроқ энг кекса аёл ва энг кекса одам, деб топишган эди.

Кенгурулар

ҳаддан зиёд кўпайиб кетди



Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс штати аҳолиси ҳудудларида минглаб кенгуруларни видеога олишиб, интернетга жойлаштиришди, деб ёзади РИА Новости ахборот агентлиги.

Австралия раъзларидан бири ҳисобланган кенгуру мамлакатта минглаб сайёҳларни жалб этса-да, аслида улар қишлоқ хўжалиги учун катта хавф туғдиради.

Видео муаллифининг айтишича, ҳудудда кенгуруларнинг кўпайиб кетиши сабабли маҳаллий аҳоли бу ерда қорвачилик билан шуғуллана олмаяпти.

Қайд этилишича, сўнгги йилларда Австралида кенгурулар сони икки бараварга ортган ва бу кўрсаткич ўсишда давом этмоқда. Мамлакат ҳудудида 46 миллионга яқин кенгуру ҳисобга олинган.

Интернет материзллари асосида тайёрланди.

